

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИГИНИ ОШИРИШ

Г.А.Джаналиева

ТМС катта ўқитувчи.

С.Абдурахманова

М.Тожиддинова

ТМС талабалари.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14330938>

Аннотация. Мазкур мақолада таълим жараёнида бўлаҗасак ўқитувчиларнинг креативлигини ошириши. Креативликнинг жараён сифатида шакланиши босқичлари, таълим жараёнида бўлаҗасак ўқитувчиларнинг креативлигини ошириши йўллари ҳамда таълим бериётган профессор- ўқитувчиларнинг ҳам ўзлари креатив фикрлари кўнилмаларга эга бўлишлари кераклиги тўғрисида маълумотлар батафсил ёритиб берилган.

Калт сўзлар: креативлик, ривожлантириши, креативлик босқичлари, интерфаол методлар, мустақил лойиҳалар, технология, менторлик дастур.

ПОВЫШЕНИЕ КРЕАТИВНОСТИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ

Аннотация. В данной статье основное внимание уделяется повышению креативности будущих учителей в образовательном процессе. Подробно освещены сведения об этапах формирования креативности как процесса, способах повышения креативности будущих учителей в процессе обучения, а также о том, что сами преподаватели должны обладать навыками творческого мышления.

Ключевые слова: творчество, развитие, уровни креативности, интерактивные методы, независимые проекты, технология, программа наставничества.

INCREASING THE CREATIVITY OF FUTURE TEACHERS IN THE EDUCATIONAL PROCESS

Abstract. This article focuses on increasing the creativity of future teachers in the educational process. Information about the stages of the formation of creativity as a process, ways to increase the creativity of future teachers in the learning process, as well as the fact that teachers themselves must have creative thinking skills are covered in detail.

Key words: creativity, development, levels of creativity, interactive methods, independent projects, technology, mentoring program.

Долзарбилиги: Ҳозирги кунда таълим тизими, жамиятнинг тез ўзгариши ва глобализация жараёнлари билан боғлиқ ҳолда янгиланмоқда. Ўқитувчилар креатив фикрлашга эга бўлиши орқали ўз дарсларини замонавий талаблар асосида куришлари, ўқувчиларнинг қизиқишини оширишлари ва уларни ҳаётга тайёрлашлари мухимдир.

Таълимда инновацион методлар ва технологияларни қўллаш зарурати ошиб бормоқда. Креатив ўқитувчи янги усулларни ишлаб чиқиш, мавжуд материалларни янгича кўринишда тақдим этиш имконига эга бўлади, бу эса ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъминлайди. Креативлик нафақат ўқитувчилар учун, балки талабаларнинг ривожланиши учун ҳам мухимдир. Креатив фикрлаш орқали ўқувчилар муаммоларни ҳал қилишда, янги гояларни ишлаб чиқиша ва жамоада ишлашда самарали бўлишади. Креативлик таълим жараёнида изжобий атмосфера яратишга ёрдам беради. Ўқитувчи ва талабалар орасидаги муносабатларни кучайтиради, бу эса таълим самарадорлигини оширади.

21-асрнинг қўп жиҳатлари - технологик тараққиёт, иқтисодий ўзгаришлар ва ижтимоий масалалар - креатив фикрлашни талаб қиласди. Ўқитувчилар креативлиги келажак авлодни бу мураккаб шароитларга тайёрлашга хизмат қиласди. Шу сабабли, "Таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг креативлигини ошириш" мавзуси долзарбдир ва унинг амалга оширилиши замонавий таълим тизимининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади: Таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг креативлигини ошириш йўлларини ўрганиб чиқиш ҳамда таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг креативлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методи: таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг креативлигини ошириш бўйича қилинган ишларни адабиётларини таҳлил қилиш шунингдек интернет сахифаларини назарий таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш.

Тадқиқот натижаси ҳамда муҳокамаси: Таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг креативлигини оширишда креативликнинг жараён сифатида шаклланиш босқичлари ва таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг креативлигини ошириш йўллари ишлаб чиқилди. Таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг креативлигини ошириш йўллари ишлаб чиқилган.

Сўнгги йилларда педагогика соҳасидаги илмий тадқиқотларда креатив фикрлашни ривожлантириш, интегратив креативликни баҳолаш муаммосининг кенг ўрганилиши замонавий таълим тизимида содир бўлган ўзгаришлар билан белгиланади ҳамда таълим жараёни иштирокчиларида янгиликлар (инновациялар)га нисбатан очиқлик, ностандарт вазиятларда ечим топа олиш ва воқеликка ижодий муносабат каби шахсий хусусиятларга

талаблар ортиб бориши билан изоҳланади. Илмий тадқиқотларда динамик равишда ўзгариб турадиган ижтимоий-иктисодий вазиятларга тез мослашиб, жамият ривожига ҳисса қўшадиган креатив шахсни тарбиялаш амалий муаммо сифатида талқин этилиб, педагогик фаолиятда креатив қобилияtlарни, ўқитувчининг ва таълим олувчининг ижодий компетенцияларини самарали шакллантириш тўғрисидаги савонни ўртага ташлмоқда ҳамда таълим тизими олдига шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, ижодий интилишларни қўллаб-қувватлаш, таълим олувчиларни бир муҳитдан бошқа муҳитга мослашишига ёрдам бериш вазифасини қўймоқда.

Ўқитувчининг креатив фаолиятида кўп субъектли ёндашувни амалга ошириш педагогик амалиётда ижодий қобилияtlарни фаол ривожлантириш тажрибасини; ўз ваколатлари даражаси ва ташкилий бошқарув фаолияти қўникмалари ҳақида фикр юритишини ҳамда бу жараёнларда бошқа субъектлар билан касбий ўзаро муносабатларнинг янги тажрибасини ўзлаштиришни; кичик ва катта групкаларда мулоқот қилиш ва ўзаро таъсир қилиш қўникмаларини ривожлантиради.

Креативликнинг жараён сифатида шаклланиш босқичлари

№	Босқичлар	Номланиши	Намоён бўлиши	Муҳим хусусияти
1.	Биринчи босқич	Сенсор, ҳиссий босқич	Ҳиссий- интеллектуал тажрибани тўплаш	Ахборотга бой макон ва мотивация импульси, ижодий фаолиятни рағбатлантирувч и манбалар
2.	Иккинчи босқич	Тақлид қилиш босқичи	Ижодий хулқ-атвор стандартлари, технологиялари, воситалари, ижодий фаолият усусларини ўзлаштириш	Босқичнинг асосий хусусияти технологик тажрибани ривожлантириш шаклида намоён бўлади
3.	Учинчи босқич	Таъсирларни узатиш босқичи	Ўзлаштирилган усусларни янги шахсий аҳамиятга эга шароитларда қўллаш, тажриба, янги алоқалар ва муносабатларни излаш	Ўз имкониятлари нуқтаи назаридан "Ўз-ўзини" шакллантириш тушун чиси яратувчилик позициясини ривожлантириш билан характерланади.
4.	Тўртинчи босқич	Трансформация босқичи	Тўпланган тажрибани ўзгартириш	Шахсий хусусиятлар, имкониятлар ва эҳтиёжларга мувофиқ

5.	Бешинчи босқич	Креативликнинг ингес психологияни тузилишини уйғунлаштириш босқичи	Креативликнинг психологик тузишлишини уйғунлаштириш, индивидуалликни шакллантириш	Креатив фаолиятни индивидуаллаштыриш, ижодий
----	-----------------------	--	---	--

Биринчи босқичда – сенсор, хиссий, хиссий- интеллектуал тажрибани түпласп креативликнинг асоси сифатида қаралади. Бу даврнинг мұхым хусусиятлари - ахборотга бой макон ва мотивация импульси, креатив фаолиятни рағбатлантирувчи манбаларни топиш ва улардан самарали фойдаланиш күникмаларини шаклланиши билан асосланади.

Иккинчи босқич – тақлид қилиш босқичида ижодий хулқатвор стандартлари, технологиялари, воситалари, ижодий фаолият усулларини ўзлаштириш шаклида намоён бўлади. Ушбу босқичнинг асосий хусусияти технологик тажрибани ривожлантиришdir.

Учинчи босқич – таъсирлар (боғланишлар), узатиш, ўзлаштирилган усулларни янги шахсий аҳамиятга эга шароитларда қўллаш, тажриба, янги алоқалар ва муносабатларни излаш, ўз имкониятлари нуқтаи назаридан "Мен" концепсиясини шакллантириш манбай, яратувчилик позициясини ривожланиши учун туртки вазифасини бажаради.

Тўртинчи босқич – трансформация, шахсий хусусиятлар, имкониятлар ва эҳтиёжларга мувофиқ тажрибани ўзгартириш ва маслаштириш босқичи хисобланади.

Бешинчи босқич – креативликнинг психологик тузилишини уйғунлаштириш, креатив фаолиятни индивидуаллаштириш, ижодий индивидуалликни шакллантиришни ўз ичига олади ва субъектларда касбий фаолиятнинг янги йўналишлари ўзлаштирилиши билан изоҳланади.

Олий таълим тизимида фаолият юритаётган педагогларнинг креатив сифатларга эга бўлиши уларда ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этишга анъанавий ёндашувдан фарқли янги ғояларни яратиш, бир қолипда фикрлашдан қочиш, ўзига хослик, ташаббускорлик, ностандарт фикрлаш, янгиликни ўз вақтида илғаш имкониятини беради ва педагог кадрларнинг касбий ривожланишида мотивация, қадриятлар ҳамда шахсий хусусиятлар асосий роль ўйнайди.

Таҳлил этилган илмий ёндашувлар моҳиятида асосий эътибор креативликнинг умумий жиҳатларига қаратилган, аммо таълимнинг ҳар бир турида креативликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, методикалари, воситалари ва шарт-шароитлари алоҳида тадқиқ этилмаганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Креативликни ривожлантириш учун биринчи навбатда, таълим жараёнида инновацион усулларни жорий қилиш зарур. Масалан, интерактив дарслар, проект асосидаги ўқитиш ва муаммоли вазиятларни ҳал қилиш усуллари орқали талабаларнинг фикрлаш қобилиятини ошириш мумкин. Талабаларнинг ижодий фаолиятини рағбатлантириш учун ускуналар ва ресурсларни тўғри танлаш ҳам мухимдир. Шу билан бирга, ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантиришлари талаб этилади.

Иккинчидан, педагогик тайёргарлик жараёнида кўплаб методикалардан фойдаланиш керак. Бўлажак ўқитувчилар учун семинарлар, тренинглар ва мастер-класстар ташкил этиш уларнинг креативлигини оширишда мухим аҳамият касб этади. Бундай тадбирларда иштирок этиш орқали муаллимлар янги ғоялар билан танишадилар ва ўз билимлари билан ёрдам бериш имкониятига эга бўладилар.

Таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг креативлигини ошириш ва ўқишига қизиқишлиарни орттирувчи креатив саволлар тузиши, турли расм, тасвир, жадвал, диаграмма, рамзий ифодалардан фойдаланиши, таълим олувчиларга баён этилаётган ўқув ахборотлари билан мутлақо алоқаси бўлмаган ғоялар ўртасидаги ўзаро боғлиқлиликни топиш каби вазифаларни бериш, кичик гурухларда ишлашни таъминлаш каби ҳаракатларда акс этади.

Таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг креативлигини ошириш қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:

Интерактив методларни жорий қилиш. Мавзу юзасидан талабаларни кичик гурухларга бўлиш ва турли ҳил интерфаол методларларни қўллаш: кичик гурухдаги мухокамалар, ролли ўйинлар, дидактик ўйинлар ва талабаларни фаол фикрлашга ундовчи методлар ҳамда семинарларни ташкил этиш орқали талабалар ўз фикрларини мстакил равишда билдириди, биргаликда берилган топшириқ, а вазифаларни мухокама қилишади ва шу асосида уларнинг креативлик қобилияtlари ривожланади.

Мустакил лойиҳаларни бажариш. Талабаларга мустакил лойиҳаларни амалга ошириш имкониятини бериш, уларнинг ижодкорлик қобилияtlарини ривожлантиради.

Лойиҳа иши орқали талабалар ўз ғоялари, концепциялари ва ечимлари билан чиқишади, бу эса уларнинг муваффақиятли бўлиши учун асос яратади. Талабалар билан биргаликда лойиҳалар ишлаб чиқиш орқали уларнинг ижодкорлик қобилияtlарини намоён қилиш имконияти пайдо бўлади. Жамоада ишлаш воситасида ҳар бир талабанинг индивидуал хусусияtlари аниқланади ва улар бири-биридан илхомланади. Уларда:

-ҳар бир талаба тафаккурини оригинал ечимлар топиш ва уларни тарғиб қилишга чакириш, ғояларни ишлаб чиқишга мажбурлаш;

- кенг мушоҳада этиш, анъанавий бўлмаган усуллардан фойдаланиш, ўз тафаккур тарзи, миллий менталитет ва стереотиплар қобигидан чиқиб кетишга шароит яратиш;

-агар биринчи тажриба муваффақиятсиз бўлса ҳам, ўз тажрибаларидан воз кечмасликка, ноанъанавий усулларда фикрлашни давом эттиришга, масала ечимини бошқа варианларини топиш, бошқа йўлларни қидиришда давом этиш психологиясини шакллантириш;

-дискуссия ва баҳс мунозара учун доимо очиқ бўлиш, баҳсни тўғри ташкил қилиш, ҳар бир иштирокчини баҳс жараёнида ўз фикрларини назорат қилиб боришига шароит яратиш;

-талабаларда янги ғоялардан қўрқмаслик, уларни кенг қўллашга шароит яратиш ва ғоялар таҳлилида муҳокама обьекти бўлишга ҳаракат қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Технологияларни фаол қўллаш. Замонавий технологияларни (онлайн платформалар, мультимедиа ресурслари) таълим жараёнига интеграция қилиш талабаларнинг қизиқишини оширади ва уларни янги ғояларни излашга илҳомлантиради.

Технологиялар ёрдамида интерактив контент яратиш талабаларни креативликка рағбатлантиради.

Ташқи мұхит билан алоқа. Талабаларни маҳаллий жамоатчилик, музейлар, галереяларга ташриф буюриш ва турли тадбирларда иштирок этиш имкониятлари билан таъминлаш креативликка ижобий таъсир кўрсатади. Бундай тажрибалар уларнинг дунёқарashi кенгайишига олиб келади.

Менторлик дастурлари. Менторлик дастурлари бўлажак ўқитувчилар учун ўз билим ва тажрибалари билан бўлишиш имкониятини беради. Катта ёшли мутахассислардан фойдали маслаҳат олиш талабанинг ижодий фикрини ривожлантириши мумкин.

Очиқ фикрлаш мұхити яратиш. Таълим жараёнида очиқ фикрлаш мұхитини яратиш ҳар бир талабанинг ўзининг ижодкорлигини намоён этиши учун шароит яратмоғи лозим. Шундан келиб чиқиб, талабаларга мос равишида таклиф ва танқидларга очиқ бўлиш мұхимдир.

Бўлажак ўқитувчиларнинг креативлигини ошириш учун олий таълим муассасаларида дарс берадиган профессор-ўқитувчиларнинг ўзлари креатив фикрлар кўникмаларга эга, топшириқларни ишлаб чиқиш малакасига эга бўлиши ва турли хил муаммоли вазиятларни яратса олиши, ижодий тафаккури кенг ривожланган бўлмоғи даркор.

Ўқитувчининг ўз ривожланиш троекториясини шакллантириши, ўзини ижодий ривожлантиришга қаратилган фаолиятни лойихалаштира олиш кўникмалари уни ижодкор ва новатор бўлишида асосий ҳисобланади.

Хуноса

Ўқитувчининг ўз-ўзини ижодий ривожлантиришга эришишида малака ошириш таълим муассасасида қулай педагогик-психологик мухитнинг мавжудлиги асосий рол ўйнайди. Қулай педагогик шарт-шароитлар сирасига ўқитувчиларда ўз-ўзини касбий такомиллаштириш эҳтиёжининг вужудга келтирилиши, мустақил ижодий ривожланишни таъминлаш, қулай педагогик-психологик мухитнинг мавжудлиги, ижодий инновацион мухитнинг вужудга келтирилганлиги, педагогик ҳамкорликни ривожлантириш, ижодий инновацион фаолият ички ва ташки босимлардан ҳолилиги, ўқув-билув жараёнларининг турли вазиятларда мақсадга мувофиқ ташкил этилганлиги киради.

Бўлажак ўқитувчиларнинг креативлигини ривожлантириш – бу узок муддатли жараёндир. Инновацион методларни қўллаш, жамоавий ишлар олиб бориш ва доимий равишда ўз билимларни ошириш орқали муаллимлар ўз соҳасида аниқ натижаларга эришадилар.

REFERENCES

1. G. Ernazarova, M. Yakubova, Sh.Oblaqulov Kreativ pedagogika asoslari. O'quv qo'llanma. Toshkent-2022 /164 b
2. B.E. Karimova Kreativ pedagogika O'quv qo'llanma. Toshkent-2023.317 b
3. I.Mardonov. Pedagogy of cooperation improving the quality of education: internation experience modern approaches. International scientific-practical conference, November13,2023
4. Davurova, G. (2020). Pedagogika oliv o'quv yurti talabalarining ijodiy faoliyatini shakllantirishda psixologik xizmatni tashkil etish. Архив Научных Публикаций JSPI.
5. Safaraliyevna, M. F. (2021). Pedagogical bases of formation of readiness of students to work. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(3), 528-531.